

МЕҲМЕД ОКИФ ЭРСҮЙ

САҲИФАЛАР



МЕҲМЕД ОКИФ ЭРСҮЙ

САҲИФАЛАР

(САФАҲОТ)

Шеърлар

Туркчадан Миразиз Аъзам
таржималари

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент — 2012

УДК: 821.512.133-3

КБК 84 (5Тук)

Э 82

Эрсўй, Окиф Меҳмед

Саҳифалар: шеърлар/ О.М. Эрсўй; туркчадан Мирзиз Аблам тарж.; муҳаррир Ш.Курбон. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2012. – 56 б.

М.О.Эрсўй (1873–1936) ҳозирги замон турк адабиётида «Истиқлол марши»нинг ва етти китобдан иборат «Сафаҳот» тўпламиниң муаллифи сифатида маълум ва машҳурдир. Унаси Амина Шарифахоним асли бухороликдир. Бу ҳақда унинг ўзи шушдай ёзади: «Бундан деярли юз элик йил аввал Ҳаким Ҳожибобо исми бир киши Бухородан Опатўлига келган, Бойобод маҳалласидан уйланган, сўнгра она бу ердан кўчиб кетиб. Тўқотда жойлашган». Она томондан қатта бувиен шу ерда туғилган ва улғайгач, яна Бухородан келган тижоратчи Муҳаммад Афанди билан турмуш қурган ва улардан шоирнинг онаси туғилган.

Меҳмед Окиф ўз даврининг атоқли шонри ва мутафаккири эди. Халқ ҳаётининг ҳамма томонларини кўрган ва яхши билгани туғайли, шеърга реалистик манзараларни – ҳаётнинг ўзини, жамият дардларини тарихий ва маънавий ғоялар билан боғлаб, шеърятга жоғилик киритди, жимжимасиз, бўёқларсиз сатрлари, ахлоқ, ватан, миллат, маънавиятга оид туйғулари билан халқ меҳрини қозонди.

Шоирнинг шеърлари ўзбек тилида илк бора нашр этилмоқда.

УДК: 821.512.133-3

КБК 84 (5Тук)

ISBN 978-9943-06-429-4

© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2012 й.

СЎЗБОШИ

МЕҲМЕД ОКИФ ЭРСЎЙНИНГ ЎЗБЕК ЖАДИД ЁЗУВЧИСИ АБДУРАУФ ФИТРАТГА ТАЪСИРИ ТЎҒРИСИДА

2007 йил ноябрида атоқли лугатшунос ва публицист, Туркия Ёзарлар Бирлигининг фахрий раиси Меҳмед Дўғон уйимга телефон қилиб, Меҳмед Окифнинг «Сафаҳот»и ва у муҳаррирлик қилган «Сирот-и мустақим» ва у «Сабил-ур-рашод» газеталарининг Чўлпон ижоди-га таъсири ҳақида бирон нарса ёзиб бероласанми?» деб сўради.

— Билмадим, «Сирот-и мустақим» чиққан 1908—1912 йилларда Чўлпон 10—12 яшар бола эди, — дедим.

— Лекин «Сабил-ур-рашод» чиққан 1912—1925 йилларда у етук шоир эди. Насрий ижодига, адабий ва танқидий қарашларига таъсири бўлгандир, дейман,

— Балки... — дедим, — ўрганиб кўрай-чи...

2008 йилда Меҳмед Окиф ижоди ва муҳаррирлик фаолиятини ҳамда жадидчиларимизнинг ҳаёт саҳифалари, ижод намуналарини, жадидшунос олимларимизнинг тадқиқотларини бир бошдан ўрганишга киришдим. Аммо Абдулҳамид Сулаймон Чўлпоннинг юқорида номлари тилга олинган газеталар билан таниш бўлганлигини тасдиқловчи биронта ҳужжат топмадим.

Чўлпон кўп тадқиқий ишларда, ҳатто энциклопедияларда ҳам қайд этилганидай, 1897 йилда эмас, 1898 йил март ойлари атрофида туғилганлигини атоқли олим, Беруний мукофоти совриндори, филология фанлари доктори Наим Каримов ҳар тарафлама исботлаган. У ўзининг «Чўлпон» оғлиғ маърифий романида Чўлпон маъ-

рифатли отасининг соясида махсус ёлланган ўқитувчилардан турк, рус, форс, араб тилларини ва мусиқа илмини ўргангани, ўзбек, турк, татар ва форс тилларида чоп этилган газеталарга обуна бўлиб, дунё воқеаларидан хабардор бўлиб боргани қайд этилган. Ҳатто 1913 йилдаёқ «Таржумон» газетига Исмоил Ғаспиралига мактуб ҳам битиб, «Шалола», «Турк юрди», «Шаҳбал», «Таржумон», «Вақт», «Иқбол» газеталарини ўқишини ёзган. Замондошлари хотираларида ҳам саналган газеталардан ташқари Татаристон, Озарбайжон, Ҳиндистонда чиқадиган ҳамма газета ва журналларга обуна бўлганлиги, Оренбургда икки ойда бир чиқадиган «Шўро» (муҳаррири: Ризоуддин ибн Фахруддин), Самарқандда чиқадиган «Ойна» (муҳаррири: Беҳбудий), «Юрт», «Ялт-юлт» ва бошқа журналларни ҳам ўқиб боргани ва уларга журналист, ёзувчи сифатида қатнашиб тургани ҳақида ҳам маълумот бор.

XX аср бошида Биринчи жаҳон уруши бошлангунча Туркистонда турк матбуоти анча кенг тарқалган. 1914 йили уруш бошлангач, Туркия Россияга душман тарафида бўлгани учун, бу нарса чеклаб қўйилган. Чўлпон Туркиядан «Сарвати фунун» журналинини олиб турган ва журнал атрофидаги шоир ва ёзувчиларнинг ижоди билан таниша борган. Тавфиқ Фикратнинг «Рубоби шикаста», «Тарихи қадим» шеърий китобларини яхши билган. Кейинчалик 1920 йилда «Марҳум Тавфиқ Фикрат» номли мақола ҳам ёзган. Ризо Тавфиқбекнинг «Фикратнинг қабринда» шеъри таржимасини ҳам газетада чиқарган. 1924 йилда «Ризо Тавфиқбек» сарлавҳали мақоласи чиққан. Бу икки мақолада Чўлпоннинг турк адабий жараёнидан хабардорлиги кўзга ташланиб туради. Аммо, афсуски, унинг «Сирот-и мустақим» ва «Сабил-ур-рашод»ни ўқигани, унга муносабат билдиргани ҳақида бирон маълумотга дуч келмадим. Балки, тасодифан шундай бўлгандир, ўзининг ижодида газеталар таъсири бордир, дея иккала томоннинг ижод намуналарини чоғиштириб

кўрдим. Чўлпоннинг 1914 йилда «Садои Туркистон» газетасида чиққан «Дўхтур Муҳаммадёр» ҳикоясида шундай сатрларга дуч келдим:

«Халқ ўз фойдасини англаса, миллий мактаб ва медресалар очса, Оврупо дорилфунунларига болаларини юборса, дўхтур, адвокат, муҳаррир ва ҳунарманд, савдогар ва муҳандислар чиқса, буларнинг ҳар бири ўз вазифаларида туриб, ишларини тартиб билан юргизсалар, халқимизнинг фойдасини кўрсатсалар, нақадар олий ва нақадар гўзал бўлар эди, деган хаёллар кўнглига келар эди. Фақат буларнинг бўлишига кўзи етмас эди. Чунки борган сари орқага қараб кетмоқдамиз».

Бу ҳикоя ўз мазмунлари билан «Сирот-и мустақим»ни эслатмайдами? Чўлпоншунос олимларимиз эса, бир овоздан, бу ҳикоя И.Ғаспираининг «Дор ул-роҳат» романининг таъсирида ёзилган, демоқдалар.

Бу деган сўз Меҳмед Окифнинг журналлари Туркистон жадиidlари фаолиятига таъсир қилмаган, дегани эмас. Машҳур жадиidчи ёзарларимиз Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний ва бошқа жадиidчиларимизга таъсири бўлгани шак-шубҳасиздир. Биз буни Фитрат мисолида кўриб чиқамиз.

Аввало, Меҳмед Окиф ва унинг газеталари, Фитрат ва Туркистон газета-журналлари қандай шароитда майдонга чиққани тўғрисида икки оғиз сўз.

Усмонли императорлигининг сўнгги ҳукмдори Абдулҳамид Иккинчи (1842–1918) тахтга ўтирган пайтларда империя таркибидаги Босна-Ҳерсек (Босния-Герцеговина) ва Булғористон кетма-кет исён кўтариб, у ерларда яшаётган туркларни кўчиб кетишга мажбур қилаётган эди. Туркияда бутун халқ ҳаяжонда, давлат идорасида ислохотлар қилиш, тартиб ўрнатиш керак, илгариги Танзимат (конституцияли мутлоқият) энди ярамай қолди, мутлоқиятни чеклаш зарур, деган фикр кун тартибига чиқиб қолган эди (Ислом энциклопедияси, 1-

жилл, 76–80 бетлари ва 12-жилднинг II китоби, 363–378 саҳифалар. Миллий Эгитим басимэви, Истанбул – 1988. – М.А).

1876 йилнинг 31 августида тахтга ўтирган Абдулҳамид II, тахтга ўтиришдан олдин халқнинг кайфиятини маъқуллагандай бўлиб, янги конституция (қонун-и асосий) лойиҳасини тайёрлаган Мидҳат Пошо ва унинг тарафдорларини қўллаб-қўлтиқлаган, 1876 йилнинг 23 декабрида конституция эълон қилинишида қаршилик қилмаган эди. Бу қонун-и асосийдаги янгиликка кўра, Овруподаги каби, ойон ва мебусон (яъни сенаторлар ва миллат вакиллари)дан иборат икки палатали мажлис подшоҳ фаолиятини назорат остида тутиши керак эди. Янги конституция учун ҳаракат бошлангандан буён давлатнинг идора этилишига халқнинг иштирокини ҳам таъминлаш масаласи тортишилган, наридан бери ташкил қилиниши керак бўлган «шўро» ва «машварат» йўллари ҳам тавсия қилинган эди.

Абдулҳамид II кучли таҳсил олмаган, лекин зако даражасини, айниқса ҳақиқий савиясини ва дунёқарашларини билдирмасликда жуда моҳир эди. У Мидҳат Пошонинг халқ ўртасидаги катта обрўйини ҳисобга олиб, раёсатга тайинлаган, аммо ичида Абдулазизнинг тахтдан йиқитилишида Мидҳат Пошо бош рол ўйнаганини унутмас, бир кун ўзини ҳам йиқитиши мумкин деган гумон билан уни тахтдан йироқлаштиришни ўйлаб юрарди. 1877 йил 5 февралда Мидҳат Пошони тўсатдан саройга чақириб, ноаниқ сабаблар билан чет элга чиқариб юборилишига эришди. Абдулҳамид янги конституцияга бўйсунганини истамас эди. Бу пайтда Усмонли императорлиги Болқонларда катта муваффақиятсизликларга дучор бўлди, рус чоризмининг ҳарбий кучлари Дунайдан ўтиб, Истанбул этакларигача етиб келди. Шунда Абдулҳамид II бу ишларга парламент айбдор, мен хоҳлаганимдай ҳаракат қилолмадим, деган баҳона билан 1878 йили парламентни муҳлатсиз таътилга чиқа-

риб юборди, давлат парламентсиз эски танзимат йўлига ўтиб олди.

Абулҳамид II 30 йил давом этган ҳукмдорлиги вақтида ташқи сиёсатда ниҳоятда эҳтиёткорлик йўлини тутди, Усмонли империяси исён кўтарган юртларга оз-оздан ён бериб, йилдан йилга кичрайиб борди, ички сиёсатда эса ҳар қандай ғалаёну сиёсий ҳаракатларни бос-тириб нисбий тинчлик-барқарорликка эришиб, юртда ободончилик ва маданият ишларини ривожлантиришга ҳаракат қилди: темирйўл, почта, телеграф ташкилотлари қурдирди, айти чогда ўз ҳуқуқларини кенгайтириб истибдодни орттирди. Шу тариқа империяда таназзул чуқур илдиз ота борди.

«Бир тарафдан модиявий етишмовчиликлар ва ҳар турли хурриятларнинг таҳдид ва шартлари, давлатнинг чет мамлакатлар қаршисида ўз виқорини ҳимоя қилиш кучига эга эмаслиги, вақти-бевақт юз бериб турган ички исёнларнинг такрорлари, янги-янги мухторият ва истиқлол талаблари ва буюк давлатларнинг бундай вақтлардан дарҳол фойлаланишлари, давлатнинг бутунлай парчаланишига йўл очувчи ҳақ-ҳуқуқ талабларининг битмас-туганмаслиги борган сари халқ табақаларида норозилик уйғотаётган ва яширин мухолиф ташкилотлар туғилишига сабаб бўлаётган эди». (Ислом энциклопедияси. 1-жилд. 79-бет).

1889 йилда Иттиҳод ва Тараққий (Бирлик ва Тараққий), Ёш усмонлилар каби жамиятлар қурилди ва улар Абдулҳамиддан мактабларга, матбуот ва нашриётларга диққат қаратишни талаб қила бошладилар. Подшоҳ бунга жавобан Иттиҳод ва Тараққийга нисбатан шиддатли таъқибни оширгандан сўнг, жамиятлар яширин фаолиятга ўтди, бир қисми чет элларда, бир қисми ичкарида шиддатли фаолиятга киришиб, маршрутиятни тиклаш учун кураша бошлади. Ниҳоят? 1908 йил 23 июлда Усмонли империясида иккинчи марта маршрутият эълон қилинди.

Иттиҳод ва Тараққий Жамияти Машрутият эълонидан кейин мамлакатда шариатга мос ҳуррият яратишни, таназулдан боши чиқмаётган ватанни фалокатлардан қутқаражagini, армияни ва ҳокимиятни, таълим-тарбия соҳасини ва мадрасаларни ислоҳ қилажagini ваъда қилаётган эди. М.Окиф ана шундай бир тарихий шароитда майдонга чиққан, Иттиҳод ва Тараққий жамиятига аъзо бўлган эди.

1908 йил 27 август куни Истанбулда «Сирот-и мустақим» номли ҳафталик газета босилиб чиқди. Муассислари проф. Абул-уло Зайналобидин ва ҳуқуқшунос, ҳофиз Ашраф Адиб, бош муҳаррири эса, Меҳмед Окиф Эрсүй эди. Газета фалсафа, адабиёт, ҳуқуқ ва илмлардан баҳс юритар, формати 20x28,5 см бўлиб, ҳар сони 16 саҳифадан иборат эди.

XX асрнинг бошларида Русия империясидаги ижтимоий-сиёсий аҳвол деярли Усмонли империясидаги каби эди. У 1904 йилда рус-япон урушида енгилгандан кейин халқнинг ҳокимиятдан норозилиги ортиб кетма-кет ихтилол ҳаракатлари юз бера бошлади. Бутун империя бўйлаб инқилобий мақсаддаги ишташлар шу қадар кенгайиб, чуқурлашиб ва кучайиб кетдики, подшоҳ Николай II мутлоқият ҳокимиятини юмшатишга, илора тизимига янги ўзгартишлар киритишга мажбур бўлди. У 1905 йил 17 октябрида «Давлат идорасини такомиллаштириш тўғрисида» номли манифестга имзо чекди. Унда фақат рус халқига эмас, Русияга қарам барча мамлакатлар, миллатларга ҳам ҳуррият, қонун чиқарувчи Думага ноиб сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари, сўз, матбуот, виждон эркинлиги берилиши баён этилган эди. Бу мустабид давлатнинг кўзғолган халққа ён бериши эди.

Русия ватандоши деб ҳисобланувчи, аслида мустамлака бўлган Туркистонда, Идил бўйларида, Қиримда, Қофқозда яшаган турки халқлар Манифестга асосланиб бир томондан ўзларининг Русия босқинидан илгариги дунёвий ва диний ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш ҳаракатига



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/3098> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/3098> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/3098>